# ХИЗМАТ КУРСАТИШ ШАРТНОМАСИ № 01/22

**Бустонлик туман** **«06» январь 2022 й.**

**Реаспублика таълим маркази** (кейинги ўринларда **“Буюртмачи”) Низом** асосида иш олиб борувчи номидан Ш. Ш. Сатторов оркали бир томондан ва **«YOSHLAR OROMGOHI» МЧЖ** (кейинги ўринларда — **“Ижрочи”**) номидан **Низом** асосида фаолият юритувчи директор **Ш.Ж.Паянов** оркали иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар ҳақида туздилар.

## 1. Шартноманинг предмети

1.1 Хак эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси бўйича ижрочи буюртмачининг топшириғига кўра мазкур шартноманинг 1.2-бандида кўрсатилган хизматларни кўрсатиш мажбуриятини олади, буюртмачи эса ушбу хизматлар учун ҳак тўлаш мажбуриятини олади.

1.2 Ижрочи кейинги ўринларда "Хизматлар" деб аталадиган куйидаги хизматлар кўрсатиш мажбуриятини олади:

| Т/б № | Хизмат номи | Ўл. бир | Хона сони | Кун 13.01.2022 16.01.2022 | Бир хона нархи | Суммаси | Жами сумма |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Миллий ўкув дастурини 3-синфда амалиётга жорий этувчи педагог кадрлар учун максадли ўкув-семинар Люкс хоналар ижараси | хона | 11 | 3 | 320 000,00 | 3 520 000,00 | 10 560 000,00 |
| 2 | Миллий ўкув дастурини 3-синфда амалиётга жорий этувчи педагог кадрлар учун максадли ўкув-семинар Стандарт хоналар ижараси | хона | 189 | 3 | 220 000,00 | 41 580 000,00 | 124 740 000,00 |
| | **Жами** | **Х** | **200** | **Х** | **Х** | **45 100 000,00** | **135 300 000,00** |

**Жами: 135 300 000 (Бир юз ўттиз беш миллион уч юз минг) сўм. ҚҚС сиз.**

## 2. Тарафларнинг ҳукук ва мажбуриятлари

2.1. **<u>Ижрочининг мажбуриятлари;</u>**

2.1.1. Хизматларни лозим булган сифатда бажариш.

2.1.2. Хизматларни мазкур шартноманинг 1.2-бандида курсатилган муддатда тулик хажмда курсатиш.

2.1.3. Агар ижрочи хизматлар курсатиш жараёнида шартнома шартларидан ишларнинг сифатини ёмонлаштирадиган четга чикишга йўл кўйиган бўлса, буюртмачининг талабига асосан барча аникланган камчиликларни 1 кун ичида текинга бартараф этиш.

2.1.4. Ижрочи хизматларни бажариш бўйича ишни шахсан бажариши шарт.

2.2. **Буюртмачининг мажбуриятлари:**

2.3. Буюртмачи кўрсатилаётган хизматлар учун шартнома умумий кийматининг 30 фоизи микдорида олдиндан аванс тўловини амалга оширади, колган 70 фоизи хизматларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзоланиб, ижрочи томонидан буюртмачига хисобварак-фактура такдим этилган санадан бошлаб 10 кун ичида тўлаб берилади.

2.4. Буюртмачи куйидаги хуқукларга эга:

2.3.1. Хар қандай вақтда ижрочининг фаолиятига аралашмаган холда у томонидан бажарилаётган ишларнинг бориш жараёни ва сифатини текшириш.

2.3.2. Далолатнома имзолангунга қадар хар қандай вақтда шартномани бажаришдан воз кечиб, белгиланган бахонинг буюртмачи шартномани бажаришдан воз кечганлиги хақидаги хабарнома олингунга қадар кўрсатилган хизматлар қисмига мутаносиб қисмини ижрочига тўлаш.

2.3.3. Мазкур шартнома Ғазначилик бўлинмаларида рўйхатга олингандан кейин кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

## 3. Шартнома бахоси ва хисоблашишлар тартиби

3.1. Мазкур шартноманинг баҳоси **135 300 000 (Бир юз ўттиз беш миллион уч юз минг)** сўмни ташкил қилади.

3.2. Буюртмачи томонидан ижрочига кўрсатилган хизматлар бахоси ижрочининг мазкур шартномада кўрсатилган хисоб-китоб хисобварағига пул маблагларини кўчириш йўли билан амалга оширилади.

## 4. Тарафларнинг жавобгарлиги

4.1. Мазкур шартноманинг 1.2-бандида кўрсатилган хизматлар курсатиш муддатини бузганлиги учун ижрочи буюртмачига кечиктирилган хар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи микдорида пеня тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий сўммаси кўрсатилмаган хизматлар бахосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни хизматларни кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

4.2. Кўрсатилган хизматлар хақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи ижрочига ўтказиб юборилган хар бир кун учун кечиктирилган тўлов сўммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов сўммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган микдорида пеня тўлайди.

4.3. Тарафларнинг мазкур шартномада кўзда тутилмаган жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси худудида амал қилувчи фуқаролик қонунчилиги меъёрларига мувофиқ қўлланади.

## 5. Форс-мажор холатлари

5.1. Хеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган такдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. (Уруш эълон қилиниши ёки бошланиши, фукаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер қимирлаши, сув тошқини, ёнгин ва бошка табиий офатлар шулар жумласидандир.)

5.2. Тарафлар ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажармаслик сабаблари тўғрисида албатта иккинчи тарафни огоҳлантириши шарт.

5.3. Агар бартараф қилиб бўлмайдиган куч уч ой узлуксиз давом этса, тарафлар бир-бирини ёзма равишда огоҳлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиши мумкин.

## 6. Низоларни хал этиш тартиби

6.1. Мазкур шартномани бажаришда юзага келадиган низолар ва келишмовчиликлар тарафлар ўртасида имкон қадар музокаралар йўли билан хал этилади.

6.2. Низоларни тарафларнинг музокаралари йўли билан хал этиш имкони бўлмаган такдирда, тарафлар келишмовчиликларни бартараф этиш борасида қонунчиликда кўзда тутилган судгача бўлган жараёнларни амалга оширилганларидан сўнг низо жавобгар жойлашган худуддаги Иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

## 7. Шартномага ўзгартириш ва қуўимчалар киритиш тартиби

7.1. Ушбу шартномага киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар фақат иккала тараф томонидан ёзма равишда тузилган холда расмийлаштирилиб, Ғазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтгандан кейингина юридик кучга эга.

7.2. Шартномани тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистан

Республикаси Фукаролик кодексига хамда амалдаги конун хужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган холда муддатидан илгари бекор килиш мумкин.

**8. Якунин қоидалар**

8.1. Мазкур шартномага киритиладиган хар кандай ўзгартириш ва қўшимчалар, улар фақат ёзма шаклда тузилиб, тарафларнинг бунга ваколатли вакиллари томонидан имзоланиб Fазначилик булинмаларида руйхатдан утгандан сунг хакикий хисобланади.

8.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилди. Иккала нусха айнан бир хил ва тенг кучга эга. Тарафларнинг хар бирида мазкур шартноманинг бир нусхаси мавжуд.

**9. Тарафларнинг манзиллари ва банк реквизитлари**

**«Ижро килувчи»**

**«YOSHLAR OROMGOHI» МЧЖ**
Манзил: Тошкент вилояти
Бустонлик туман Чимган кишлоги
Тел./факс 903171012 997640362
х/р: 2020 8000 1049 8418 0001
Банк номи: АТВ "Микрокредитбанк"
Газалкент шахар
МФО:00467 ИНН: 302 318 186
**«Ёшлар оромгохи» МЧЖ**
**Директори__________ Паянов Ш.Ж**

**"Буюртмачи"**

**Республика таълим маркази**
Манзил:Тошкент шаҳар Яккасарой тумани
Бобур кўчаси 9-уй
Тел./факс: 97-446-17-17
л/с **400110860262807096300075001**
ИНН 200 936 411
МФО 00014
**Директор__________Ш.Ш.Сатторов**

Yurist Toshpulatov D.T.

004678

Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

# GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"YOSHLAR OROMGOHI" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"YOSHLAR OROMGOHI" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

04.06.2012 006030-09 ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR): 302318186

Tashkiliy-huquqiy shakli: Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi: Toshkent viloyati, Bo`stonliq tumani, CHIMGAN QISHLOG'I,

Guvohnoma: Toshkent viloyati, Bo`stonliq tumani, DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI tomonidan berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi)